



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 10 сентябрь, № 178 (4588)

Чоршанба

ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИ

туфайли саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш қуввати тобора ошмоқда

Мустақиллик
— бизнинг
борлигимиз,
шону шўхратимиз,
эркин ва фаровон
келажагимиз
гаровидир

“Яккабоғтекс”
Ўзбекистон —
Германия қўша
корхонаси
бир йилда 2800 тонна
калава ип ишлаб
чиқариш қувватига эга.


Ушбу корхонада модернизация ишлари яхши йўлга қўйилгани боис, самардорлик юқори бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган олти ойида 250 минг АКШ доллари миқдорда хорижий инвестиция жалб қилиниб, ўттизта янги иш ўрни яратилди. Йил охирига қадар эса мутасаддилар яна 560 минг дол-

ларлик инвестиция киритиб, шу орқали қўшимча қирқта янги иш ўрни ташкил этишни режалаштиришмоқда. Яқиндагина бу ерда ишга туширилган янги ип-йигирув цехи ҳам айнан модернизация шарофатидир. Эътиборли жиҳати, “Яккабоғтекс” маҳсулотлари тўлалигича

экспортга йўналтирилмоқда. Йил охиригача 4 миллион долларлик маҳсулотни четга сотиш кўзда тутилган.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг янги цехи; йигирувчи-оператор Назоки Султонова.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кўни муносабати билан Сизга ва халқингизга самимий қутловларимни ҳамда мамлакатингиз ва унинг фуқароларига равақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни изҳор этишдан мамнунман.

Жаноби Олийлари, юксак ҳурмат-эътиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Степан МЕСИЧ,
Хорватия Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич,
Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами — Мустақиллик эълон қилинган кун муносабати билан гоят самимий ва қизгин қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, Молдова билан Ўзбекистон халқлари ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатлари бундан буён ҳам мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигига ишончли асос бўлиб хизмат қилаверади.

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустақам соғлиқ, узоқ умр ва масъулиятли фаолиятингизда янги-янги зафарлар, дўст ўзбек халқига эса тинчлик ва равақ тилашга ижозат бергайсиз.

Эътиром ила,
Дўстингиз,

Владимир ВОРОНИН,
Молдова Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Сизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кўни муносабати билан чин дилдан муборакбод этаман. Сизга улкан муваффақиятлар, сикхат-саломатлик ва битмас-туганмас куч-ғайрат, мамлакатингизга эса бардавон равақ ва фаровонлик тилайман.

Литва билан Ўзбекистон бугунги кунда дунёни хавфхатарсиз ва барқарор кўриш мақсадида асосланган дўстона муносабатларни қўллаб-қувватламоқда ва ривож топтирмоқда. Қувонч билан таъкидлашганимиз, давлатларимиз ўртасидаги мана шундай икки томонлама алоқалар тобора мустақамлашиб бормоқда. Муштарак қизиқишларимиз, ўзаро ҳамжихатлик ҳамда Литванинг Европа Иттифоқига аъзолиги мамлакатларимиз ўртасида, айниса, энергетика, иқтисодиёт ва маданият каби соҳаларда янада яқин ҳамкорлик қилишнинг кенг имкониятларини очмоқда.

Ишончим комилки, биз ушбу имкониятлардан фойдаланиб, келгусида ҳам дўст ўзбек ва литва халқларини бир-бирига яқинлаштириш йўлида биргаликда иш олиб бораверамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига бўлган самимий ҳурмат-эътиромимни изҳор этаман.

Эътиром ила,

Валдас АДАМКУС,
Литва Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич,
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кўни муносабати билан йўллаётган самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ўзбек халқининг келажака некбинлик билан назар ташлашига барча асослар бор. Мамлакатнинг давлат суверенитети ва мустақиллиги маънавий ҳамда иқтисодий тараққиётни давом эттириш кафолати ҳисобланади.

Ишончим комилки, ҳамдўстлик доирасидаги ўзаро самарали ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам халқаро муносабатларнинг адолатли, бехатар ва барқарор тизимини шакллантиришга кўмаклаша беради.

Суратли Ислом Абдуғаниевич, ушбу байрам кунда Сизга мустақам соғлиқ, бахт-саодат, халқ манфаати йўлидаги давлат фаолиятингизда янги-янги зафарлар, бутун ўзбек халқига эса тинчлик, омонлик ҳамда равақ тилаб қоламан.

Камоли эътиром ила,

Сергей ЛЕБЕДЕВ,
МДХ Ижроия
Қўмитаси Раиси — Ижрочи Қотиби.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОЗАРБОЙЖОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг тақлифига биноан 2008 йил 11-12 сентябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади. Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Озарбойжон Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама этилади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон — Озарбойжон: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ БЎСАҒАСИДА

Озарбойжон Республикаси — кўна тарих, бой маданият ва турфа анъаналарга эга мамлакат. У Жанубий Кавказнинг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, ҳудуди 86,6 минг квадрат километр. Аҳолиси — 8,6 миллион киши. Пойтахти — Боку шаҳри.

Озарбойжон Республикаси ўз мустақиллигини 1991 йил 18 октябрь кўни эълон қилди. 28 майда Миллий байрам — Мустақиллик кўни (Озарбойжон давлатчилиги қайта тикланган кун) нишонланади.

1995 йил 12 ноябрь кўни қабул қилинган Конституцияга мувофиқ, Озарбойжон демократик ва дунёвий давлат ҳисобланади. Мамлакат раҳбари президент бўлиб, у 5 йил муддатга сайланади. Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев (2003 йил октябрдан буён).

Айни пайтда Озарбойжон жаҳондаги тез суръатда ривожланаётган давлатлар сирасига қиради. Мамлакатда бизнес фаоллиги ошиб, олтин-валюта захиралари ортиб бормоқда, макроиқтисодий вазият яхшиланмоқда. Озарбойжон Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2007 йилда мамлакат янги ички маҳсулотининг ўсиши 25 фоизни ташкил этган.

Республика иқтисодиётининг жадал ривожланиши, аввало, ёқилги-энергетика омилига боғлиқдир. Нефть тармоғи даромадлари мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида халқ қилувчи аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ХОРИЖИЙ ОАВ:

«ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИСҚА ДАВР МОБАЙНИДА ЎН ЙИЛЛИКЛАРГА ТЕНГ БЎЛГАН ЎЗГАРИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ»

Юртимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида хорижий оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизга бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди. Уларда Ўзбекистонда демократлаштириш ва жамиятни янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш борасида эришилган ютуқлар, илм-фан, маданият, сайёҳлик ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бошқа жаҳаларида қўлга киритилган ижобий натижалар ҳақида сўз боради.

Япониянинг «The Japan Times» газетасида «Ўзбекистон мустақил ривожланиш, тараққиёт ва янги марралар йўлида» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Айни дамда Ўзбекистон мамлакатни фаол ислоҳ қилиш ва модернизациялаш борасида эришилган ютуқлар, илм-фан, маданият, сайёҳлик ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бошқа жаҳаларида қўлга киритилган ижобий натижалар ҳақида сўз боради.

Туб ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида истиқлол йилларида мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари барқарор суръатда ошиб бормоқда. Сунгги беш йил давомида янги ички маҳсулот ўсиши 7 фоизни, 2007 йилда ҳамда 2008 йилнинг биринчи чорагида эса 9 фоиздан кўпроқни ташкил этди.

Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини инобатга олган ҳолда, мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш борасидаги марақаб вазифаларни амалга оширишга қодир бўлган янги

авлод кадрларини тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратишмоқда.

Шу боис янги ички маҳсулотдаги таълим харажатлари улushi 12 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда, ваҳоланки, жаҳон амалиётида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди. Мана, ўн йилдирки, мамлакатда моҳият

▼ Дунё нигоҳи

ва мазмун жиҳатдан беқиёс ҳисобланган ва узлуқсиз таълим тизимини назарда тутишган кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда.

Ўзбекистонда давлат умумтаълим дастури амалга оширила бошлаган даврдан буён 1140 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи бунёд этилди, 4680 та умумтаълим мактаблари капитал таъмирдан чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги бағишланган махсус мақола Хитой матбуотида ҳам эълон қилинди. Жумладан, «Жэньминь Жибао» газетаси саҳифаларида «Ўзбекистонда Мустақиллик кўни нишонланди» сарлавҳали мақола чоп этилди.

Шунингдек, Хитойнинг «LOOKWE» журналинда эса Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлан-

ган тантанали маросимдаги табрик сўзи эълон қилинган. Нашр саҳифаларидан, шунингдек, «Ўзбекистон: мустақил тараққиётнинг 17 йили. Янги марралар ва қўланган мақсадлари йўлида», «Таълимга эътибор — бугунги ва эртанги кун кафолати», «Соғлом авлод — миллатнинг куч-қудрати» сарлавҳали мақолалар ҳамда юртимизга бағишланган қизиқарли маълумотлар ўрин олган.

Германиянинг «Wostok» журналинда нашр бош муҳаррири Бритта Волленебер хонимнинг республикамизга амалга оширган сафари чоғида тайёрлаган бир қатор ахборот ва таҳлилий мақолалари эълон қилинган.

«Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этишнинг истиқболли йўналишлари» сарлавҳали мақолада, жумладан, шундай дейилади: «Маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ҳамда бозор ислохотларини кучайтиришда сармоявий фаоллик давом этаятган бир шароитда 2008 йил Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш йўли бўлаётти.

Буни мамлакатга жалб этилаётган хорижий сармоялар ҳажми сезиларли даражада ошгани ҳамда саноат ишлаб чиқариши барқарор ўсиб бораётгани ҳам исботлаб турибди. Истеъмол бозори янада кенгайиб, аҳолининг реал даромадлари бир неча баробарга ошди. Шу маънода, давлат корхоналари акцияларини салоҳиятли хорижий сармоядорларга сотиш йўли орқали хусусийлаштириш жараёнини ривожлантириш иқтисодиётдаги фаоллигини оширишда мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилаяпти.

(Давоми 3-бетда).

МЕВА-САБЗАВОТ ҚАЙТА ИШЛАНМОҚДА

Бир рақам шарҳи



2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида республикамизда

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва бу маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар кооперациясини ташкил этиш дастури доирасида тузилган мазкур агрофирмалар туфайли мева-сабзавотни қайта ишлаш ва қуритиш имкониятлари кенгайтирилди.

193 та агрофирма тузилди.

САМИЙ КҮТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига энг қизғин кутловларимни йўллаш мен учун катта шарафдир. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Котибияти ходимлари ўзбек халқининг қувончига шерик бўлган ҳолда самимий табрикларни ва эзгу истакларини йўлайдилар.

Ўзбекистон минтақанинг истиқболли мамлакати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳаётининг турли соҳаларида барқарор ўсиш суръатларига эришди ва тобора катта-катта ютуқларга интилмоқда. Ички ютуқлар билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро майдондаги нуфузи ошмоқда. Биз Ўзбекистоннинг ИХТдаги фаолиятини юксак кадрларимиз ва Сизнинг раҳбарлигингизда унинг иштироки янада фаоллашувига умид боғлаймиз.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистоннинг биродар халқига эса тараққиёт ва раванқ тилаб қоламан.

Хуршид АНВАР,
Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти
Бош котиби.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни муносабати билан Ўзбекистон ҳукумати, халқи ва Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни ва эзгу тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон ҳукумати ва Сиз, Жаноби Олийлари томонидан Ислам конференцияси ташкилотининг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни баҳаришда кўрсатилаётган ёрдам учун чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига Сизнинг раҳнамолигингизда тараққиёт ва фаровонлик ато этшини тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Ақмалиддин ЭҲСОН ҲАММОН,
Ислам конференцияси ташкилоти
Бош котиби.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу, Мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий кутловларим ва эзгу тилакларимни йўллашдан мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва раванқ тилайман.

Самимий эҳтиром ила,
Биродарингиз

Султон бин Абдулазиз ОЛ САУД,
Саудия Арабистони Валиаҳди,
Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари,
Мудоффа ва авиация вазирлиги, Бош назоратчи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллайман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,
Тамим бин Ҳамад ОЛ СОНЕЙ,
Қатар Давлати Валиаҳди.

Ўзбекистон — Озарбойжон:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ БЎСАҒАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

2004 йилнинг 23-24 март кунлари Озарбойжон Президенти Илҳом Алиев Ўзбекистонга расмий таъриф буюрди.

Икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда. Озарбойжон Республикаси Миллий Мажлисида «Озарбойжон — Ўзбекистон» парламентларо ишчи гуруҳи тасвис этилган.

Хозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси билан Озарбойжон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари асосини 97 та икки томонлама ҳужжатлар ташкил этади. 1996 йил 27 май кунини Бокуда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Озарбойжон Республикаси ўртасидаги Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, 2001 йил 18 апрелда Тошкентда имзоланган 2001-2010 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларро битим, шунингдек, 2004 йилнинг 23 мартда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Озарбойжон Республикаси ўртасидаги стратегик шериклини янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги Декларация икки давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга асосий ҳужжатлардир.

Ўзбекистон Республикаси билан Озарбойжон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик бўйича ҳужжатларга қўша комиссия савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни амалий механизми ҳисобланади. Жорий йил 8-9 сентябрь кунлари Боку шаҳрида мазкур комиссиянинг еттинчи йилги йиллиги бўлиб ўтди.

2007 йил январларида кўра, Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги товар айланмаси ҳажми 6,1 фоизга ортиб, 60,4 миллион долларга өтди. Экспорт-импорт улушида Ўзбекистоннинг иқтисодий салдоси 46,4 миллион долларга тенг бўлди.

Мамлакатимиз парламенти юқори палатасининг яқинда бўлиб ўтган ўн бешинчи ялпи мажлисида сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини маъқуллади. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилинишига қандай асослар сабаб бўлди? Унинг мазмуни-моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат? Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Муҳаммад ЮСУПОВ «Халқ сўзи» муҳбирига шулар ҳақида гапириб берди.

— Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг ўтган ўн етти йиллик истиқлол даврида эришган ютуқлари ва жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори ижтимоий-иқтисодий соҳаларимизда амалга оширилган кенг қамровли ислохлар амалда қўтилган натижани берганидан далолатдир, — дея сўз бошлади сенатор. — Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бугунги кунга келиб мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий таянчига айланганида мазкур тармоқ ривож учун давлат томонидан қаратилган эътибор, тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун яратиб берилган шарт-шароит, энг муҳими, ана шу мақсадларга пойдевор бўлиб хизмат қилаётган қўллаб-қувватловчи ҳужжатларнинг мўҳим ўрни бор. Пировардида, бундай имкониятлардан умумий фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган юридик шахсларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Уларнинг мазкур фаолият тури билан шуғулланишлари учун эса лицензиялар бериш тартиби ҳам такомиллаштирилган.

Хусусан, 2000 йил 25 майда «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган бўлиб, унга кўра, лицензиялаш соҳа-

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

сининг давлат томонидан тартибга солиниши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда лицензияловчи органлар томонидан амалга оширилади. Айтиб ўтиш жоизки, амалдаги қонунчиликка биноан, фаолиятнинг лицензияланган турлари жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний маънафатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳақида тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари кирди.

Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турлари рўйхати эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сонли Қарори билан тасдиқланган иловада ўз аксини топти. Унга биноан, ишлаб чиқариш

ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги 78 та фаолият тури учун лицензия олиниши шарт. Лекин лицензиясиз фаолият кўрсатилган учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидики фақат уч турдаги (радиоэтилатиш узеллини ўрнатилган ва ишлатилган, кино ва видеоматериални прокат қилганлик, автомобиль транспортини йўловчи ташиганлик) фаолият тури

Сенатда маъқуллашган

учун молиявий жавобгарлик белги-ланган.


Биз бу борада халқаро амалиётни ҳам ўргандик. Масалан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг (Россия, Беларусь ва бошқалар) маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигида махсус нормалар би-

варигача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солинади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасига асосан, маъмурий ишлар бўйича судьялар, мазкур кодекснинг «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш» деб номланувчи 176-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган, савдо ёки воситачилик фаолиятини рўйхатдан ўтказилган бўйин товланган ҳолда амалга оширилган учун жавобгарлик ҳақидаги ишларни кўриб чиқиши белгиланган. Бирок мазкур модда билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 176-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқувчи орган кодексда белгиланмаган. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 176-моддаси 3-қисми, шу модда иккинчи қисми талабларидан келиб чиқиниши инобатга олиб, Қонуннинг 1-модда 2-банди билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасидики «176-моддасининг иккинчи қисми» деган сўзлар «176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари» деган сўзлар билан алмаштирилди.

Ўнда қўлиб айтганда, кодексга киритилган ўзгартиш ва қўшимча юрти-миқдосидики фаолият турларининг самарали ривож топиши, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ишонгли тарзда ҳимоя қилинишини таъминловчи ҳуқуқий механизмларнинг янада мустаҳкамла-нишига хизмат қилади.

Шавкат ОРТИҚОВ
Эзиб олди.



Бугун Хонобод шаҳрида юздан зиёд тадбиркору хунарманд фаолият юритмоқда. Улар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш билан бир қаторда, маҳал-лаларни обод қилишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

▼ Бунёдкорлик

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига

ЭЛ-ЮРТ ТАЯНЧИ

Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтарилган мамлакатимизда оилага нисбатан алоҳида эътибор қаратилиб, гамирлик кўрсатилаётганида чуқур мазмун, эзгу мақсадлар мўжассам. Зеро, азалдан кутлуг маскан саналган оилада инсон вояга етади, камол топади, унинг маънавияти, дунёқараши шу даргоҳда шаклланади. Оқдий қўлиб айтганда, киши ҳар қандай ёшда ҳам, аввало, оилага суянади, ундан маънан куч, ижтимоий ҳаётга рағбат олади. Шу боис оила ҳуқуқи тушунчаси миллий қонунчилигимизда алоҳида ўрин тутди.

Конституциямизнинг 63-моддасида қайд қилингандек, «Оила жамиятнинг асосий бўлинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга». Ушбу инсонпарвар тамойил асосида мустақиллик йилларида оилани ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оилалар мустаҳкамлигини, унинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ўнлаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Маълумки, мамлакатимизда 1998 йил «Оила йили» деб эълон қилинди. Худди шу йили Оила кодекси ҳаётга татбиқ этилди. Оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган ушбу ҳужжат қондилари оила учун муносиб ҳаёт яратиш, унинг аъзолари ҳақ-ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишга кўзда тутиди. Шу ўринда бир муҳим жиҳатни ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда, жумладан, Оила кодексига мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини давлатларнинг, улардан суд қарорисиз маҳрум этишига эки уларни чеклаб қўйишига ҳеч қим ҳақли эмас.

Оила мустаҳкамлиги, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч, ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, барча аъзоларининг масъулиги ҳисси асосида қуриш, ўзгаларнинг оила масалаларига ўзбошимчилик билан аралашинишга йўл қўймайлик оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги асосий мақсадлар сирасига кирди.

Оила кодекси ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг барча моддалари мазмун-моҳияти инсон ҳуқуқларига оид халқаро тамойилларга тўла мос эканлигини таъкидлаш жоиз. Унда, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги асосий қондалар ҳам ўз аксини топти. Чунинки, Декларациянинг 16-моддасида «Балогат ёшига етган эркаклар ва аёллар ирки, миллати ёки динига қараб, бирор бир чеклашсиз никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқига эгадирлар. Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вақтларида ва уни бекор қилиш вақтида ҳам бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар», деб қайд қилинган. Амалдаги оила қонунчилигимизга биноан, оилавий муносабатларда эркак ва аёл тенг шахсий ва мулкий ҳуқуқларга, шу билан бирга, баъбаравар мажбуриятларга ҳам эга. Оила кодексининг 19-моддасида «Эр ва хотин оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эга» эканлиги таъкид-

ланган. Шунингдек, Декларацияда белгиланган «Никоҳ фақат никоҳдан ўтаётган иккала томоннинг хоҳиши ва тўлиқ розилиги асосидагина тузилиши мумкин» деган қоида Оила кодексининг 14-моддасидаги «Никоҳ тузиш иштиёрийдир» ҳамда «Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади» жумлаларида мустаҳкамлаб қўйилган. Декларациянинг «Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан муҳофазаси қилинишига ҳақли» эканлиги ҳақидаги қоида Бош Қонунимиз ва амалдаги қонунларимизда мазмунан тўла акс этган.

Албатта, жамиятнинг тараққий этиши билан боғлиқ равишда қонунларнинг такомиллаштириб бори-лиши, уларнинг янгилик қондалар билан били-тилиши табиий ҳол. Жумладан, Оила кодексига миллий қонунчилигимиз учун янгилик бўлган никоҳ шартномаси, никоҳланувчи шахсларни табиий қўриқдан ўтказиш, оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланилиши, қонқардошлик, боланинг оиладаги ҳуқуқлари ва ота-онани моддий таъминлаш тўғрисидаги мажбуриятлар ҳамда бошқа шу каби тушунча ва қондалар киритилганиги оилага бўлган ҳурмат-эътибор янада юқори поғонага кўтарилганини аниқлатади.

Қолаверса, мазкур ҳужжат ФХДЭ органлари фаолиятида ҳам энг муҳим қонуний ҳужжатдир. Зеро, унинг VII бўлими фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш масалаларига бағишланган бўлиб, ушбу органлар тизимини ташкил этишда, фаолиятини турти ва аниқ тартибга солишда катта аҳамият кабб этади.

Турмушдаги энг муҳим ва кўп қиррали масала-ларни қамраб олган оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, маъна ўй йилдир-ки, юртимиздаги оилалар фаровонлиги, инсон ҳуқуқ ва маънафатларини таъминлашга, ҳар бир оилани жамият ҳаётида ўз муносиб ўрни бўлишига кенг имкон яратишга хизмат қилиб келаётди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, «Ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарордир».

Гулнора ИНОМЖОНОВА,
Тошкент шаҳар едлия бошқармаси
бўлимининг бошлиғи, юридик
фенлари номзоди.

ЕТТИ ЁШДАН БОШЛАБ

СОЛИҚ САБОҚЛАРИ ҲИТОТЛАДИ

Шу кунларда Солиқ академиясида республикадаги иқтисодий билимларга иҳтисослашган таянч мактабларининг бир гуруҳ ўқитувчилари махсус тренингларида иштирок этмоқдалар. Тренинг маъмулиятларида мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги таянч мактаблари ўқитувчилари ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш ҳудудий институтлари масъул ходимлари қатнашишмоқда.

Ҳаётимизда фуқароларнинг асосий қисми солиқ тўловчи ҳисобланади. Солиқларнинг ўз вақтида йилгилиши эса айнан солиқ тўловчиларнинг тафаккури, маданияти нечоғли шаклланишига боғлиқ.


Мамлакатимиз Президентлиги солиқ тизими олдига қўйган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан сўнгги йилларда асосий эътиборни нафақат солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ ундириш, балки аҳоли кенг қатламларида солиқ маданиятини таркиб топтиришга, ҳар бир солиқ тўловчи солиқ тўлашдан бўйин товла-масдан, аксинча у нима учун ва қанча солиқ тўлаши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши лозим-лиги йўлида изчил чора-тадбир-лар қўриб борилаётди.

— Қўмита раҳбариятининг солиқ маданиятини кўтариш бора-сида амалга ошириётган саяёҳ қарарлари аҳолининг деярли барча қатламларини қамраб олишга қаратилгандир, — дейди Солиқ академияси Солиқлар ва солиққа тортиш факультети декани Анвар Бўқаров. — Шу тўғрисида бугун академия-мизда ўтказилаётган умумий ўрта таълим мактаблари учун қисқа муддатли махсус курслар-да ДСҚ мутахассислари, ўқув даргоҳининг ўқитувчилари таянч мактаблари вакиллари ҳамда мазкур таълимнинг ҳақида маърузалар ўқитишти, республика Таълим маркази ходимла-ри эса мазкур билимларни бо-ларига содда ва тушунарли қилиб етказиш усулларни тўғри-сида дарслар ўқитишти.

Таъкидлаш жоизки, солиқлар Солиқ академиясидаги тренингларида қатнашаётган тинловчилар бу ерда олган солиқ сабоқларини кейинчалик ўз жойларида татбиқ этишди. Махсус курслар очилишида Солиқ академияси презектори И. Обломородов, республика Таълим маркази директори И. Зокоров қатнашди. Тренинг якунлари бўйича барча ишти-рокчилар тенг синовлардан ўтказилиши таъкидланди.

ДСҚ Аxbорот хизмати.

ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН ШАҲАР



Хозирда аҳоли фаровонлигини яхшилашга хизмат қилаётган 10 дан зиёд маҳалла фуқаролар йиғини масканда аҳолига маиший ва савдо хизмати кўрсатиш шохобчалари, гузарлар ташкил этилган. Хусусан, «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини шаҳарнинг обод гушаларида бири саналади. Истиқлол йил-ларида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Маҳалла гузарли, маиший хизмат ва сервис соҳалари фаолияти намуна-ли йўлга қўйилди. Яқинда бу масканда ҳомийлар ташаббуси билан 100 ўринли ош-хона, ҳаммом, саргарошхона, шунингдек, нон ишлаб чиқариш цехи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур хизмат кўрсатиш шохоб-чаларида аҳоли эҳтиёжлари учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган.

СУРАТЛАРДА: шаҳар кўринишлари; «Истиқлол» маҳалласи новвойи Насимхон Қодиров хизматидан эл мамнун.

Ш. ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Жамишд МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА.

2008 Ёшлар йили

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ўтказилган "Навқирон Ўзбекистон" республика фестивали кўрғазмаси истеъдодли ёшларимиз изланишларининг ёрқин кўриги сифатида намойиш бўлди, дейиш мумкин. Бинобарин, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Бадий академия ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур намойишда аънанавий ва замонавий санъат йўналишида яратилган 200дан зиёд асар санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди. Тасвирий санъат, бадий графика, ҳайкалтарошлик, дизайн, фото ва видео-арт, кулоччилик, мисгарлик-қандакорлик, ёғоч ўймакорлиги сингари санъат ва ҳунармандчиликнинг қадимий услуби ҳамда замонавий аънаналар уйғунлигида яратилган асарлар санъат муҳлисарига чексиз завқ ва ҳайрат бағишлади.

НАВҚИРОН ИЖОДИЁТ КЎРИГИ

— Фестивалда иккинчи бор қатнашдим, — дейди ёш дизайнер Зухра Хўжаева. — Бу галги ижодий коллекцияни "Заминнинг уйғониши" деб номладим. Дизайнерларим трансформация йўналишида яратилган. Яъни ушбу либосларни турли хил шакл ва фасонга ўзгариштириш мумкин. Масалан, нимчани енгги узун устки қалин кийимга, шимни ҳаммага, кийимнинг енг қисмини бош кийимга айлантириб қийса бўлади. Мазкур тўпلامни учун замонавий жинси матоси, бўз ва адрадан фойдаланган.

Фестивалга ташриф буюрган хорижий меҳмонлар, санъат усталари ва тадбиркорлар Зухранинг ижодида

қўлимга ёғоч ушлаганимда ўн олти ёшда эдим. Ҳунарни пухта ўрганиш мақсадида "Усто" бирлашмаси қўшиқдаги "Уста-шоғирд" мактабид таълим олдим. Шундан сўнг ўзим мустақил равишда ёғоч, қайрағоч, чинор дарахларни ёғочдан сандиқ, эшик ва ром, лавҳ (зёб-зийнат қулиси), ёғоч лаган, қаламдон сингари ўн беш хил турдаги ўймакорлик буюмларини ясай бошладим. Яқинда эса ўз гоям асосида замонавийлик ва миллийлик уйғунлигидаги ётоқхона жиҳозларини яратдим. Ушбу ишга бор меҳримни бериб, ясаётган буюмимдан ўзим ҳам завқланадиган меҳнат қилганим учунми, янги ишим харидорлар меҳрини қронди, қўлаб буюртмалар олдим.

Бахтиёр Раҳимов нуроталик каштадўз қиз Муаззам Турақуллова ижоди ҳақида бениҳоя ҳавас билан гапирди. Муаззамни биз фестивал доирасида ўтказилган "Маҳорат дарслари" машғулотидан учратдик. — Аслида, фестивалда қатнашишдан мақсадим ҳам устоз санъаткорлардан сабоқ олиш, уларнинг қимматли ўғитлари ва сўхбатларидан баҳраманд бўлиш эди, — дейди Муаззам Турақуллова. — Мана, ният қилганимдек, Марат Содқов, Акбар Раҳимов, Лекин Иброҳимов, Жалолидин Миртожиев, Александр Николаев сингари санъат усталаридан дарс олишга, билмаганларимни сўраб ўрганишга муваффақ бўлдим. Марат ака ўз дарсларида бизга ранг танлаш санъати бўйича керакли тавсияларни бердилар. Каштадўзликда, айниқса, бу муҳим аҳамиятга эга. Негаки, тикан кашталаримнинг ҳар бир гулига ранги алоҳида рамзий маънога эга бўлиши лозим. Шу босис, рангларни ўз ўрнида қўлаш муҳим аҳамият касб этади.

Фестивалда "Анор гули", "Офтоб тафти", "Қаламқирмунчок" сингари кашталаримдан намуналар, шунингдек, миллий либос ва сўзаналарим билан қатнашдим. Қуни кеча канадалик Ливана исми бир қиз ижодим билан қизиқиб қолди. Анор гулли аёллар либосини қиммат баҳрда сотиш олиш ниятида эканлигини айтганида ниҳоятда хурсанд бўлиб қетдим. Шунинг ўзидек меҳнатим роҳати бўлиб татиди, менга.



катта қизиқиш билан қарадилар. Ушбу ижод, қўлай ва замонавий либослар бугунги мода олами талабларига тўлиқ мос келиши ва ўзига хос услубда яратилганлиги билан аҳамиятланди.

— Фикримча, юртимизда биз, ёш ижодкорлар учун яратилган беқийёс имкониятлар, бу каби нуфузли анжуманлар озуларимиз рўёбга чиқишида беқийёс аҳамиятга эга, — дейди дизайнер қиз. — Қувонарлиси, "Навқирон Ўзбекистон" фестивалида қатнашган ўзим каби ёш дизайнерлар — Муҳаммад Хаёт Юсупов, Ойгул Умаргазина, Нодира Субхановаларнинг ижоди ҳам эътирофга сазовор бўлди. Уларнинг коллекцияларидаги ўзбекча қадриятларимиз, урф-одатларимиз, миллий менталитетимизга ҳамоҳанг янгича ижодий изланишлар, бетакрор услубда яратилган дизайнлар диққатни жалб этади.


... Оддий ёғоч пўкагидан санъат асари дараҳасидида бежирим буюмлар ясовчи Бахтиёр Раҳимов билан яқиндан танишдик. Ёш ҳунарманд ўз ижоди, фестивал таассуротлари ҳусусида шундай дейди: — Тўққиз йилдан буён шу ҳунар билан шугулланаман. Илк бор

лардан сабоқ олиш, уларнинг қимматли ўғитлари ва сўхбатларидан баҳраманд бўлиш эди, — дейди Муаззам Турақуллова. — Мана, ният қилганимдек, Марат Содқов, Акбар Раҳимов, Лекин Иброҳимов, Жалолидин Миртожиев, Александр Николаев сингари санъат усталаридан дарс олишга, билмаганларимни сўраб ўрганишга муваффақ бўлдим. Марат ака ўз дарсларида бизга ранг танлаш санъати бўйича керакли тавсияларни бердилар. Каштадўзликда, айниқса, бу муҳим аҳамиятга эга. Негаки, тикан кашталаримнинг ҳар бир гулига ранги алоҳида рамзий маънога эга бўлиши лозим. Шу босис, рангларни ўз ўрнида қўлаш муҳим аҳамият касб этади.

Фестивалда "Анор гули", "Офтоб тафти", "Қаламқирмунчок" сингари кашталаримдан намуналар, шунингдек, миллий либос ва сўзаналарим билан қатнашдим. Қуни кеча канадалик Ливана исми бир қиз ижодим билан қизиқиб қолди. Анор гулли аёллар либосини қиммат баҳрда сотиш олиш ниятида эканлигини айтганида ниҳоятда хурсанд бўлиб қетдим. Шунинг ўзидек меҳнатим роҳати бўлиб татиди, менга.

Бугун истеъдодли ёшларимиз ўз изланишлари, меҳнат ва интилишлари самара бераётганлигидан мамнунлар. Зеро, навқирон авлод Юртбошимизи раҳнамоллигида илму ҳунари ёшлар учун юртимизда беқийёс имкониятлар яратилганлигини яхши англайди. Бу эса уларни янада юксак марралар сари қорлаши, шубҳасиз.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.



Мақсад — аҳоли саломатлиги

Навоий шаҳрида "Оила саломатлиги" марафони ўтказилди.

СПОРТ

Ушбу тадбирни "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, Ижтимоий ташаббусларни қўлаб-қувватлаш ва "Меҳр нури" жамғармалари ҳамда республика "Аёллар кенгаши" ҳамкорлигида уюштирилди. Марафоннинг асосий мақсади аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт уйлари ва мусобақаларини ўтказиш орқали жисмоний тарбия ҳамда спортни янада оммалаштиришдан иборат.

Филиблар ҳомийлар, ташкилотчилар томонидан фахрий ёрликлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ЗАМИН САХОВАТИ

Гулистон шаҳрида бир йўла ҳам қовун, ҳам қовоқ сайли бўлиб ўтди. Унда вилоят фермерлари томонидан етиштирилган ана шу маҳсулотларнинг эллиқдан ортиқ навлари намойиш қилинди.

Тадбирда вилоят ва туманлар ҳокимлари, корхона ва ташкилотлар, жамоатчилик, дипломатик корпус вакиллари, шунингдек, таълиқ шoir ва ёзувчилар иштирок этишди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, бу йилги сайилга келтирилган қовун ва тарвуз навлари аввалги йилларга қараганда кескин кўпайган. Хусусан, қовуннинг "Буриқалла", "Кампир чопон", "Оқ уруғ", "Қўчка", "Қирқма", "Сариқ пўчок", "Гурва", "Хоразм қирқмаси", тарвузнинг "Нисса", "Мозайка", "Карол Куба",

"Астрахан" каби навлари сайил иштирокчилари, корхона ва ташкилотлар, жамоатчилик, "Испанский", "Испан-23" тури ҳам алоҳида эътироф этилди. Танлов шартларига кўра, сайилда Мирзобод тумани деҳқонлари биринчи, Оқолтин ва Сардоба туманлари иккинчи, Сирдарё тумани полициялари эса учинчи ўринни эгаллашди. Тадбирда вилоят ҳокими А.Жалолов иштирок этди.

Ортиқ СУЛТОНОВ.

"Ўзбекфильм" киностудияси томонидан суратга олинаётган "Шатранж қироли" эртак-фильми учун Бухорининг қадимий обидаларга бой кўчалари декорация вазифасини ўтади.

Болаларбоп фильм

Кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимовнинг бу асарида тарихи минг йилларга бориб тақалладиган шахмат ҳамда замонавий технологияларнинг ўзаро уйғунлиги ўз аксини топган. Кинокартинада асосий ролларни ижро эт-

ган Раёно Шодиева, Ражаб Адашев сингари актёрлар қаторида Садриддин Айний номидagi вилоят мусиқа-драма театри санъаткорлари ҳам бор.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БОЙЛИК ИЗЛАБ, САРОБ ТОПГАНЛАР

Қишлоқдаги тўй-маросим ёхуд бирор маърака бўлсин, Ойдин опа иштирокисиз ўтмасди. Қўни-қўшиллар ўғлига муносиб келин танлашда, қизини сўраган совчиларга жавоб қилишда ҳам онахондан маслаҳат олишга кўникиб қолишган. Негаки бу аёл мулоҳазали, бамаъни ва ақллилиги билан доимо ўзгалар эътиборини жалб этарди. Яқинда қўлогимга чалинган совуқ хабардан эсанкираб қолдим, гўёки бошимдан бир челақ муздек сув ағдарилгандек бўлди. "Шўрлик она шу муҳдиш кундан буён реанимацияда ҳўсиз ётибди..." Наҳотки, не-не можаролару муаммоларга очин топа билган, оқиллиги билан ўзгаларга ўрнак бўлиб келган аёлнинг қадди букилган бўлса?!

Опанинг ёлғиз ўғли бадавлат одамнинг эрка қизига кўнгли кўйдди. Бироқ тақдир ёзиғи бошқа эканми ёхуд бойвачча хонадон соҳиблари ҳашаматли уйларида яшовчи амалдорлар билан қўда тутиниғиси келди, хуллас, йилгининг муҳаббатни завол топди. Энг ёмони, ўша қиз Ойдин опаларга қўшни ҳовлига келин бўлиб тушди. Шундан сўнг йилгит ўзини овутиш мақсадида Россияга бориб ишлаб келувчиларнинг маслаҳатига кўниб, узок ўлкаларга кетишга тараддулданиб қолди. Ойназорнинг кўнгли ҳар қанча нотинч бўлмади, шундоғам дили оғриган фарзанднинг йўлини тўсишга ботинолмади, икки қизалогини бағрига босганча ортидан кўз ёш қилиб қолаверди. Она ва бола дунёнинг икки буржиди бир-бириндан хавотир олишар, гоҳ-гоҳ кўнги-роқлашиб турардилар.

Орадан бир йилу саккиз ой ўтган, она сукули дилбанди юртга қайтишини эшитиб қувончдан кўзлари ёшланди: "Алло, онажон, шу ой охирида йўлга отланаман, чипта ҳам олиб кўйдим. Мен боргунча яхши бир қиз танлаган, уй юмушларида сизга кўмакчи бўлсин. Кўп пул тўпладим, ҳовлимизда катта тўй қиламиз. Сизга кўп озор берган ношуд ўлгинизни кеңиринг, она!" Бу сўзлар бир томонда Ойдин опанинг дилини равшан этса, телефон станцияси атрофида ўралашиб юриб,

Огоҳлик

мислик ҳам етмагандай эндигина йигирманча уч ёшни қаршилаган бечора йигитнинг жасади мавж уриб оқаётган сувга ташланди. Ҳаётда инсоннинг айтгани, истагани ҳаман бўлиб қолган бечора йигитнинг жасади мавж уриб оқаётган сувга ташланди.

— Акамнинг сафари қариди, — деб қолди бир дугонам. — Лекин отамнинг тоби қочганини ўйлаб сиқилганми-да. Мен, ўзганинг ишига аралашиб андишлай саналса-да, ундан бу ҳолнинг сабабини сўрадим. Маълум бўлишича, дугонанинг акиси ишлаб пул топши мақсадида уч йил хорижий давлатда бўлган. Аввалига йилгит ўз тенгдошлари билан бир йиллик шартнома асоси-

да иш бошлашган. Бироқ иш битиб, муддат тўтаган, хорижлик ҳамкор гапида турмабди. Ишчилар яна бир йил ишлаб беришса, барча даромадчи бир қилиб беришини, бунга рози бўлмаганларга йўл очилганини айтган. Ҳар қанча уринишмасин, иш ҳақларини ололмаган йилгитларнинг айримлари жажл устида бошқа жойларга жўнашган. Қолганлари ноилж иккинчи йил охиригача қолган. Ҳаётнинг акиси ҳам, Афсуски, "ҳамкор", яна гапидан тонган. Қўчада қолган йилгит қарз-ҳавола қилиб уйга қайтган. Ҳаётнинг кайтган фарзандини ота-она саломат кўрганга шукр қилишди. Бироқ ўғлининг қараларини тўлаш учун отаси кимларга бош эгмади, ялинмади, дейсиз. Бу масаланинг ечимини топиш учун хонадондаги жиҳозлару қимматбаҳо буюмлар сотилишига тўғри келди. Бола-сининг бошидан дардини ариたまан, деб онанинг сочларига оқ тушди, отанинг юраги хуруж қиладиган бўлиб қолди...

Чет мамлакатларда ишлаш учун кетган, оиласи учун яхшироқ даромад топишни истаганларнинг ҳаммаси ҳам бирор кўнглисизликка учраётди, деган ўйдан йироқми, албатта. Улар хорижга қонуний йўл билан, давлатлараро шартномалар асосида боришапти. Бироқ айрим фирибгарлар кишиларни (ҳатто аёлларни ҳам) ўз манфаатини ўйлаб, ноқонуний тарзда сафарга чорлаётгани ташвишланарли ҳол. Бундай қимсалар ҳар қандай йўл билан соддадил одамларни ўз сўзига ишонтаришга, юқори даромадли иш тақлиф қилишга уринишди.

Демокчи бўлганимиз, бирор юмушда давлат ҳимоясида, қонун асосида қўл урмоқ даркор. Биз юқориде тилга олган воқеалар, кўнглисизликлар кишини огоҳликка даъват қилади.

Шоира БОЙМУРОВОВА.

ЯНГИЛИК // **ТРАНСАЭРО**

«ТРАНСАЭРО» АВИАКОМПАНИЯСИ ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН ИМТИЁЗЛИ ТРАНСИТ ТАРИФЛАРИ БЎЙИЧА МУНТАЗАМ РАВИШДА ҚУЙИДАГИ ДАВЛАТЛАРГА ПАРВОЗ ҚИЛИШНИ ТАКАФИФ ЭТАДИ:

GERMANY, AVSTRIYA, BYUK BRITANIYA, FRANSIYA, LYUKSEMBURG, ISROIIL, KIPPR.

555* ЕВРО ВА УНДАН ЮҚОРИ (ИККИ ТОМОНГА)

НАРХ ЙИГИМЛАРСИЗ КЎРСАТИЛГАН. ҚОЙЛАР ЧЕГАРАЛАНГАН.

ДИҚҚАТ! Янги телефонлар:
227-00-78, 227-01-87, 227-09-19.

Аккредитация сертификати № 210.

www.transaero.ru

ЗАМОНАВИЙ ТАШХИС МАРКАЗИ

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон — Люксембург қўшма корхонасига қарашли "Санзор" ташхис маркази масъулияти чекланган жамият фаолият кўрсата бошлади.

рибали ҳамшира-операторлар тиббий хизмат кўрсатади. Бу ерда ўрнатилган компьютер томографияси, рақамли рентген аппарати ва бошқа замонавий ускуналар орқали организмдаги ҳар қандай хасталикни аниқлаш мумкин.

Барча шароитлар яратилган кундузги стационар ва даволаш хоналари беморларга катта қўлайлик туғдиради.

Ташхис марказига яқин кунларда Франциядан яна тўртта замонавий тиббий асбоб-ускуна келтирилди.

Абдурауф САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

NISSAN TIIDA
КОМФОРТ В ДВИЖЕНИИ

NISSAN TIIDA
Превосходная динамика и элегантный просторный салон. Уверенность на дороге и высокое качество внутренней отделки. Безупречность в каждой детали. Особая атмосфера надежности, безопасности и комфорта.

СПЕЦИАЛЬНОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ
от официального дистрибьютора Nissan в Узбекистане — компании Premium Auto, ☎ 295 88 77: цена от \$ 31 000*, гарантия — 2 года, или 50 000 км пробега + ПОДАРОК.

МИР обоев

Российский линолеум

Тел. 234-48-11

Факс 234-49-58

Товар сертифицирован.

Форма оплаты — любая.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 27380 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида термалди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — З. Жонбеков. Мусаҳҳах — Ҳ. Тонхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳ.У.А якуни — 20.40 Тошпирилди — 22.50 1 2 3 4 5 6 8